

**ТАБИИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ
ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА
ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ
ШАРТНОМАСИ**

№

02/52

Табий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш

ШАРТНОМАСИ

2022 йил 01.01.2022 -сон Фарғона шаҳри
(шартнома тузилган жой)
Низом асосида Фарғона шаҳри юритувчи
Фарғона шаҳри фаолият
Фарғона шаҳри асосида Фарғона шаҳри юритувчи
Фарғона шаҳри асосида Фарғона шаҳри юритувчи

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг
тилишилган буюртмасига бўйича табиий газ (кейинги ўринларда газ деб аталади)
етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу
шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини
олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатига амалга оширади.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига
вофик, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертифицикагга эга газ
призмалари, шунингдек, газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда
собилаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёрларга (Табий газдан
фойдаланиш қондаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга
қизиқ кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни
қилиш этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол
қилиниши тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган
ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2022 йилда 16750
куб.м, нархи 12395.0 минг сўмни ташкил қилади, жумладан чораклар ва ойлар
бўйича қуйидагича тақсимланади:

I чорак	15750	Минг	январь	9000	февраль	9500	март	2250
куб.м,								
II чорак			апрель		май		июнь	
куб.м,								
III чорак			июль		август		сентябрь	
куб.м,								
IV чорак			октябрь		ноябрь		декабрь	
куб.м,								

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлик ҳажмда кўрсатиш учун
магистрал ва газ тақсимоти тармоқларининг ишлаши издан чиққан тақдирда,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон
қарорида қайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга
20 йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал ҳажми _____
метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагича тақсим қилади:

I чорак		Минг	январь		февраль		март	
куб.м,								
II чорак		Минг	апрель		май		июнь	
куб.м,								
III чорак		Минг	июль		август		сентябрь	
куб.м,								
IV чорак		Минг	октябрь		ноябрь		декабрь	
куб.м,								

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса,
Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича
бир хил миқдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг
ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар
доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томонидан наватдаги ой
(чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ
таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортқича олинган газ
миқдори деб ҳисобланмайди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда
ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи
газлар) га мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб бериллади.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва
1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолининг суғналлик меъёри доирасида
газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул
қилиш далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичида газ етказиб бериш ва қабул
қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида барча усуллар орқали
Истеъмолчинни хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

Истеъмолчи манзили ва телефон рақами:

Пафтоли ва 70 Са. Коконга 39/91 уч

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш кискартирилишига ари камида 24 соат аввал бу хақида хабардор қилиши шарт, магистрал газ урларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор инингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол кискартирилади ёки тўхтатилади.

2.5. Магистрал ва тақсимловчи газ қувурларининг технологик иш режими иилганда, шунингдек, куз-киш мавсумида ижтимоий соҳа объектларини ва аҳоли емолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш мақсадида Етказиб увчи Истеъмолчини оғохлантирган ҳолда газ етказиб беришни чеклаш ёки татиб қўйиш ҳужукига эга, Истеъмолчи эса захира ёқилги туридан фойдаланишига иди.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш расида тезкор маълумотларни мунтазам алмашишни таъминлаш учун обгарликни ўз зиммасига олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёқилги туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни рли микдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шаклантيريши шарт. емолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан даланиш қоидаларига мувофиқ захира ёқилгига ўтиши ва газдан фойдаланишни татиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли даълолатнома билан мийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган уналар, ГТП (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз да фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда саклаш учун жавобгар обланади.

2.9. Истеъмолчининг қўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, онструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш хажми аришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан қўшимча газдан даланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни ши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қоидаларига муофиқ амалга оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реқвизитлари ўзгарган атларда улар зудлик билан бир-бирини бу хақида хабардор қилиши шарт.

2.11. Табиий газни казиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режимида ягона узлуксиз технологик жарафини хисобга олиб, табиий газни ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариши Истеъмолчилар учун мажбурий хисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ХИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКІЛ ЭТИШ

3.1. Газни хисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ микдори газ тармоқлари бўлиниши чеграсида ўрнатилган хисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш даълолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чеграси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоғининг бошлиниши хисобланиб) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўлиниши нуқтаси хисобланади ва унда хисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик микдори стандарт шартда 1 м³ газ олинади: харорат 20° С, босим 101,325 кРа (760 ммHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ хажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шартда, азот ва карбонат ангидрид) қийматлари бўйича тузатилади.

Газ микдори "Ўзстандарт" агентлигининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ газ микдорини стандарт шартда автоматик равишда келтирилган газни хисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси унинг мулк хисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси танлови тегишли қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси газ истеъмолчини хисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТГХНАТ-АСКУГ) ларига уланиши лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида О'з DSt 8.030:2008 "Ёқилги ва энергия. Хисобга қўйиладиган умумий талаблар", О'з DSt 8.031:2008 "Ёқилги ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жиҳозлаш ва уларни ишлатиш" давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиш.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари "Ўзстандарт" агентлигининг жорий қиёсов кўригидан ўтказилган сертификат ва ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларининг қиёсов кўриклдан ва ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини "Ўзстандарт" агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини қиёсов кўригидан ўтказиш ва ёки ўлчов комплексларини (ва унинг

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишдан камидан 5 кун олдин Етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ушбу шартномаинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Ҳисоб-китоб даври бошланишдан камидан 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчига билдирги тартибда мурожаат қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишдан камидан 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб рақамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоизи микдорида олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истеъмол қилинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисобот ойининг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш оyi тугайдан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгилангандан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан орტიқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

ТҲНАТ (АСКУГ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда ҳисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТҲНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг руҳсат этилган максимал ўлчов чегарасидан орტიқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозлардан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охириги хатловдан ўтказиш даволатномаси тузилган кундан, хатлов даволатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охириги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш хужжатларини расмийлаштирмасдан истеъмолчи омонидан кўшимча газ қурилмаси ўрнатиш ҳолати аниқланганда (кўшимча газ инжомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослангирувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганида) - бир ҳисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегарасида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг теъёрий-техник хужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб берилмаган газ ҳажмининг шончилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "Устандарт" агентлиги бўлималарида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса –экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиққандаёки ҳисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиш ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичида Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек қорхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамғаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиш ҳолати аниқланган тақдирда қайта ҳисоб-китоблар охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп ўтмаган даврда амалга оширилади. (O'z Dst 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари норматив ҳолатда бўлиши керак).

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотишлар Истеъмолчи ҳисобига олиб борилади.

4.15. Истеъмолчи ойнанинг 7 кунидан кечиктирмасдан Етказиб берувчидан ҳисоб-китоб ойна учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва

электрон ҳисобварақ-фактурани қабул қилиб олади, имзолайди, ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоласлик ёки уни эгтирозлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ микдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш ойна тугагандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилига тақдим қилади. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқиши керак.

4.17. Истеъмолчидан дебитор қарзларни ундириш Етказиб берувчи томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узиб қўйилганидан сўнг ўзошимчилик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ ҳажми ва унинг қиймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичида тўлиқ қувават билан ишлаб туриши ҳисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (наҳрлар) ўзгаргандақидир, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда қучга кирганидан сўнг амалга оширилади.

V. ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ Фойдаланиш учун жавобгарлик

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилиши, Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тuzиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, фойдаланган газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

Бунда, белгиланган тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, мирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлагани мониторинг қилиш учун ечиш, шунингдек, Истеъмолчига алоқадор бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чақмоқ, қиска туташув ва х.к.)даги техник носозликлар қилганлиги сабабли истеъмол қилинган табиий газ ҳажминини ўрнатилган газ об ускуналарини тўлиқ қуввати бўйича ҳисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортқ ҳажмларни ташқил қилган ҳолағлар бундан тасно.

4.10. Табиий газ учун Истеъмолчининг тўлов муддати ўтган қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари истеъмолчини хабардор қилган ҳолда тўлов муддати ўтган қарзини қоплашга жалтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорда, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлайди.

4.12. Ҳисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ ҳажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборидан фўрсаткичларни ёзиб олиш (ПТХНА Га уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилиши ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган мейёрлар бўйича ҳисоб-китоб қиладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб берилган кўрсаткичлар Fossa тизмига киритилиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда киритиш орқали иқланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг йўнги ойнанинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб ойна учун етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси ва электрон ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ақсонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчида қуйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни ҳисоблаш прибори хотирасидан ҳисобот даври учун олинган (йўқирма) архив маълумотлари;

б) Истеъмолчи тақдим этиладиган, Истеъмолчининг бўлиниш ҳақарасигача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик йўқотишларнинг ҳажми тўғрисидаги далолатноманинг мавжудлиги; Бунда

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми қийматининг ундирилиши Истеъмолчини қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчида қуйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилунига қадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;
- Етказиб берувчи вакиллари газдан фойдаланиш ускуналари ва ҳисобга олиш қурilmаларини назоратдан ўтказишга йўл қўйилмаганда;
- фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлганда;
- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли миқдорда олдидан тўловлар амалга оширилмаганда;
- Етказиб берувчининг ва "Ўзнеф்த்தазинспекция"нинг кўрсатмалари бажарилмаганда;

-ҳисоблаш приборларига қасддан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлага тўқиялик қилувчи хатти-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда;

- газни ҳисобга олиш приборларига ташқи таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиш;

- Газдан фойдаланиш қондаларига зид равишда газ тармоқларига ноқонуний улааниш ёки бошқа қоидабузарликлар ёхуд газни талон-тарож қилиш ҳолатлари аниқланганда;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган молдий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

6.2. Тармоққа қайта улаанишда амалдаги қонунчиликка мувофиқ Истеъмолчидан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорда ҳақ ундирилади. Шартноманинг 13.1.-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТГХНАТ) ларига уланган истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайди.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7.1. Етказиб берувчи қуйидагиларга мажбур:

- ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклаш;

- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда руҳсатсиз улаишларини, аниқлаш учун даврий кўздан кечириш;

- табиий газ етказиб бериш қисқарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истеъмолчиларни хабардор қилиш;

- газ ҳисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларини, электрон маълумотларнинг барча параметрларини камида уч йил мобайнида ўзида сақлаишнинг таъминлаш;

- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилунига қадар табиий газ таъминотини қўшимча оғохлантиришларсиз тармоқдан ўчириш;

- табиий газнинг руҳсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари молдий бойликларининг талон-тарож қилинганлиги тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;

- Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- қонунда назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат органининг тақдимномасига асосан шартномага ўзгартиришлар киритиш;

- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмати кўрсатиш;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичида алмаштириш; Етказиб берувчи қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- техник заруратга кўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қисқартириш ёки тўхтатиш;

- газ таъминоти тармоқларига руҳсатсиз улаиш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоғидан узиб қўйиш;

- Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қоидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб қилиш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро қилишдан қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечиш;

- газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни оголантирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;

- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қондабузарликлар бартараф этилувигига қадар аввалдан оголантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.

7.3. Истеъмолчи қуйдагиларга мажбур:

- ҳисобот ойда табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва ҳисоб-варақасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш.

- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;

- газ хўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;

- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолатида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;

- ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чиқиш;

- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертифициқланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛПХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймаслик;

- газ етказиб берувчи вакиллари ва "Ўзнефтверспекция" ходимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин кўздан кечиришни таъминлаш;

- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;

- табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўқинлик килувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг қасддан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилган тамгаларнинг бутунлигини таъминлаш;

- табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дарҳол хабардор қилиш.

- Газ тармоғи бўлиниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган (ТҲХНАТ-АСКУГ) тизимига уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатиш.

7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қуйдагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимида роя қилган ҳолда узатилиши;

- табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун туланган суммани қайтариш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

- табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);

- газ етказиб беришни вақтинча тўхтатиши.

Истеъмолчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплайди.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун қуйдаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини руҳсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;

б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;

в) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал қилинмаганида;

д) мажбури шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандларида кўрсатилган ҳолларда.

8.2. Етказиб берувчи томондан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига ҳисобатан базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баробаридан ўн беш баравари микдориде жарима қўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига ҳисобатан Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги

Конуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

- а) форс-мажор ҳолатлар;
- б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида авария ҳолатлари юз берганда;
- в) киши даврида вақтинча газ етказиб бериш чекланганда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташқари);
- г) шартномаасосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиши ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи миқдоридан жазима тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдоридан, бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан, бироқ муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни талбик этилишини ифода қилади ва қафолатлайди.

9.2. "Истеъмолчи" "Етказиб берувчи"га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи маънафатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Етказиб берувчи"нинг коррупцияга қарши

амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар қоидага кўра, уларни судга ҳал этиш чораларини кўрадилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашган жойдаги Иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

- а) табиий офатлар;
- б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида, газни қайта ишлаш корхоналари ва газ қазичиқариш жойларида қўтилмаган авария вазиятлари юзага келганда, шунингдек енгил бўлмас кучлар туфайли содир бўлган табиий офатлар, хусусан, сел, ёмғир, сув тошқини, ёнгин чиқиши, ер қимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Ҳукумат қарорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмаган ҳолда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхтатиш, қисқартириш ёки муносабатларни тўхтатиш ҳуқуқига эга бўладилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сакланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор қабул қиладилар.

XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон қарорига асосан Ҳазначлик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб қўйиб қиради.

12.3. Шартнома 2022 йил 31 декабрдан бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тулаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани

